



\* Зулфия мукофотининг илк совриндорлари  
 \* Ерли бўлишни истамаган "Камолот"чилар  
 \* "Чимилдиқ"да: Ака Шариф муҳаббати билан  
 \* Сарв буржида туғилганларни ўғрилар сезади



# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 15 март Чоршанба.  
№ 22 (14304)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвонини белгилаш тўғрисида

Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш ва ўзбек халқ оғзаки ижодиётини кенг тарғиб этишдаги, ўз ижоди ва ижрочилик фаолияти билан халқимизни, айниқса, ёшларни кўп минг йиллик маданиятимиз сарчашмаларидан бахраманд қилишдаги салмоқли ҳиссалари ҳамда Ватан истиклоли ва шон-шарафини улуглаш йўлида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рағбатлантириш мақсадида:

1. "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

("Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони тўғрисидаги Низом ва унинг тавсифи илова қилинади).

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 14 март

## "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони тўғрисидаги НИЗОМ

1. "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш ва ўзбек халқ оғзаки ижодиётини кенг тарғиб этишдаги улкан хизматлари, ўз ижоди ва ижрочилик фаолияти билан халқимизни, айниқса, ёшларни кўп минг йиллик маданиятимиз сарчашмаларидан бахраманд этишдаги салмоқли ҳиссалари, Ватан истиклоли ва шон-шарафини улуглаш йўлида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

2. "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвонига тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, республика вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, идоралар ва жамоат ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда амалга

оширилади.

3. "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан берилади.

4. "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвонининг кўкрак нишонни кўкракнинг чап томонига тақилади.

5. "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвонига сазовор бўлган шахслар республикада белгиланган ойлик энг кам иш ҳақи миқдоридан ҳар ойда пул мукофоти оладилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.

6. "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан тегишли раҳбар ходимлар томонидан тантанали ва ошқоралик вазиятида топширилади.

## "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвонининг кўкрак нишонини ТАВСИФИ

Кўкрак нишонни 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юза томонида миллий чолғу асбоби дўмбирада куйлаётган бахши, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Рамзларнинг юқоригидан "XALQ

BAXSHISI" деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишонини ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга халқа ва илмоқча ёрдамида уланди.

*Барча эзгу орзуларимизни мужассамлаштирган ширимиз: Келажагимиз учун, фарзандларимизнинг бахту саодати учун яшайлик ва ҳалол меҳнат қилайлик! Авлодларга озод ва обод ватан қолдирайлик!*

Испом **КАРИМОВ**



Суратқаш: А. ХАМИДОВ

## ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвонини бериш тўғрисида

Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш ва ўзбек халқ оғзаки ижодиётини кенг тарғиб этишдаги улкан хизматлари, халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш йўлидаги ҳиссаси ҳамда маънавий-маърифий ислохотлар жараёнидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси" фахрий унвони берилсин:

- Болтаев Шоберди** - Бойсун тумани 37-мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
- Бозоров Жумабой** - Шуманай тумани маданият бўлими ходими, Қорақалпоғистон Республикаси
- Қурбонназаров Абдулла** - Хива шаҳар маданият уйи "Достон" ансамбли бадиий раҳбари, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 14 март

**И.КАРИМОВ**



**Ойдин Абдуллаева** — 1976 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Глиэр номидаги мусиқа мактабини тугатган, 1993 йилда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат Консерваторияси бастакорлик фа-

## БИР МАРТА "4" БАҲО ОЛГАН ҚИЗ

культетига ўқишга киради. У 1997-98 ўқув йиллари "Камолот" жамғармасининг, 1998-99 ўқув йиллари Республика Президенти стипендияларининг соҳибасидир. Тиниб-тинчимас қизга бу йил ҳам омад кулиб боқди. Ойдин куни кеча Шарқнинг буюк мутафаккири Бедилнинг "Комде ва Мудан" асари асосида ёзилган "Севги ҳақида достон" симфонияси учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ойдин Абдуллаева айни пайтда Тошкент давлат Консерваториясида ҳамда Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида талабаларга мусиқа назариясидан дарс беради.

**Ойдиннинг ҳикоясидан:**

— Уйимдагилар, айниқса ота-онам тартибни жуда яхши кўришади. Эсимда, 2-синфда бир марта "4" баҳо олганимда ойим мени роса қойиб, ўзлари ҳам йиғлаб юборганлар. Ушанда билдимки, ўқишим, ота-онам қилган орзуларига етишим учун тинмай ҳаракат қилишим керак экан...

— **"Зулфия" номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлиш ҳар бир изланувчи ижодкор учун катта бахт. Сизни бу соврин билан табриклаймиз.**

— Раҳмат. Ёшлигимдан тинимсиз ўқидим, изландим. Меҳнатларим зое кетмади. Ўзбек шоирларининг устози Зулфия опа номидаги мукофотга сазовор бўлган эканман, демек янада излашим, Ватанимиз тараққиётини юксалтириш учун ўз ҳиссамни қўшим керак. Бу хабарни биринчи устозим Аваз акадан эшитганимда кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Ҳамма синовларда мен билан елкама-елка туриб қўллаб-қувватлаган шундай устозларимга раҳмат.

— **Бастакор сифатида қандай кўшиқлар яратяпсиз?**

— Ҳозир болалар кўшиқларини ёзяман. Мусиқа танқидчиси бўлганим учун мусиқа соҳасида илмий мақолаларни ёзиб турибман.

— **Машҳур санъаткорлар билан ишлаш ниятингиз бордир?**

— Бу болалиқдаги орзум. Насиб қилса, миллий эстрада жанрида ўз кўшиқларим бўлса.

— **Консерваторияда ўқиш учун овоз бўлиши шартми?**

— Мусиқани севмаган ёки ашула айтишда овозга эга бўлмаганлар бизнинг

олийгоҳда ўқиши қийин. Шунинг учун ҳам бизда мусиқага лаёқати бор ёшларгина қабул қилинади.

— **Танқидчи сифатида замонавий мусиқага муносабатингиз?**

— Ҳозир миллий мусиқа хусусиятларини чет эл эстрадаси билан синтезлаш жараёни кетяпти. Бу ҳам ўзига яраша изланиш, яъни қандайдир оҳангни беради. Умуман, мусиқа ўзига хос сеҳрловчи, асир қилувчи бир кучки, уни таърифлаш қийин.

— **Дўстларингиз кўпдир...**

— Тугрисини айтсам, дўстларим унчалик кўп эмас. Нуқул дарс қилганим,

мусиқа ёзиш учун фортепианони олди-дан кетмаганим учунми, дўст орттиришга кўп эътибор бермабман. Энди-энди дўстларимнинг сони кўпаймоқда. Улар менинг ўқувчиларим. Ютуқларимга хурсанд бўладиган томошабинларим бор.

— **Айни пайтда нима билан машғулсиз?**

### Зулфия мукофоти совриндорлари

— Ҳозир ўқишдан, ишдан бўш вақтларимда телевидениеда болалар учун "Сеҳрли оҳанглар" кўрсатувини тайёр-

## Қ ў ш и қ ч и ДИПЛОМАТ БЎЛМОҚЧИ

— "Зулфия" номидаги Давлат мукофотига мушарраф бўлганлар орасида Хоразм вилояти, Янгиариқ туманидаги 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилрабо Жуматова ҳам борлигидан қалбимиз қувончга тўлди.

Дилрабо болалигидаёқ ўзининг иқтидори, дилқушо кўшиқ ва рақслари билан саҳнани забт этиб, воҳа аҳлига танилганди. 1991 йилнинг июнь ойида Тошкентда ўтказилган "Ўрта Осиё ва Қозоғистон иқтидорли болалар фестивали"да иштирок этганида у ҳали эндигина 6 ёшга қадам қўйган жажжи қизалоқ эди. Ушанда унинг Хоразм дostonчилиги йўлида айтган кўшиқлари барчани мафтун этганди. Дўмбоққина қизча жарангдор овозда "Гўрўғли ва Хирмондали" ай-

да бўлиб ўтган Бутунжаҳон болалар фестивалидаги унинг чиқишлари дунё халқлари вакиллари лол қолдирди, десак муболага қилмайми. Унинг баланд октавали овози, куйлаб туриб рақс туша олиш қобилиятига эга экани боис мухлислар "офарин!", деб юборишганди ўшанда.

Мунтазам ўтказилиб келинаётган "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўриктанлови ҳам Д.Жуматова учун омадли келмоқда. Икки йилдирки у совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Биз илмга, санъатга ташна бу қизнинг оилавий муҳити билан ҳам танишдик. Дилрабо 5 нафар фарзанднинг тўртинчиси экан.

— Ота-онам оддий ўқитувчи, -дейди у. -Илмнинг қадрига етадиган инсонлар. Бизнинг ўқиб-ўрганишимизга шароит яратишдан кўра ўз манфаатларини устун қўйгани, қийинчиликларни баҳона қилиб ошқора нолиганларини кўрмаганман.

— **Улгайсангиз қайси санъаткорга ўхшашни истайсиз?**

— Мен дипломат бўлмоқчиман. Инглиз, рус тилларини мукамал ўрганяман. Лекин санъат кўнглимнинг мулки бўлиб қолаверади. Қайси санъаткорга ўхшаш борасида ўйлаб кўрмадим. Мухими "Мен Дилрабодан, Дилрабога ўхшаш керак!" деган шиоримни такрорлаб чарчамаслигим керак. Ахир ҳаётда ҳар кимнинг ўз ўрни бор-да!

— **Шеър ҳам ёзаркансиз, кўпроқ қандай китобларни мутолаа қиласиз?**

— Халқ дostonларини кўпроқ ўқийман. Отамда ноёб қадимги Хоразм дostonлари бор. "Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам" нинг ҳали кўпчиликка номаълум варианты ҳам мавжуд. Уни ўқисангиз одоб-ахлоқ ҳақидаги панду насихатлар, халқнинг донишмандлиги, мардлигидан дарак берувчи боллар дostonда мужасам эканини кўрасиз. Дostonлар менга маънавий куч беради. Улардан илҳомланиб ўзим ҳам шеърлар ёза бошладим.

— **Истагингиз?**

— Истагим, ҳар бир ёш нимага, нима учун яшаётганини яхши ҳис этсин. Ўзбекистонга мен нима беряман, деган савол ҳамisha қалбига тинчлик бермай, садо бериб турсин.

**Эрпўлат БАХТ суҳбатлашди**



## БИВ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ

лаяпман.

— **Орзуларингиз?**

— Келгусида жиддий симфоник асарлар яратмоқчиман. "Шоира Зулфиянинг ўзбек бастакорлик ижодиётидаги ўрни" мавзуида илмий иш қилиш ниятидаман.

**ЗИЁДА,**

**"Туркистон" муҳбири**

тишувини куйлаганда саҳна гулларга тўлиб, олқишлардан зал титраб кетган. Олти ёшли қизчанинг фестивал бош

совринини қўлга киритажаги, лауреат бўлажаги на ўқитувчиларнинг, на ота-онасининг тушига кирибди дейсиз!!!

Шундан кейин Дилрабонинг жўшқин ижодий изланишлари бошланиб кетди. У Органдаги "Мерос" дастасида иштирок қилиб, жаҳонни кезди. 1995 йилнинг 23 апрелида Туркиянинг Анқара шаҳри-

бориб ишлагиси келади дейсиз?

Ойбекнинг жуда "соғди"лигидан қулгимиз келди. Айрим вилоятларнинг "Камолот" жамғармаси бўлимининг 150 километр олис ҳудудларда ер майдонлари мавжуд. Бу ерларда "Камолот" чилар бориб ишласин, деган кўрсатма йўқ. Ҳоҳ олис, хоҳ яқин бўлсин ҳокимлик ажратиб берган экин майдонидан ҳар бир бўлим ўзининг деҳқон фермер хўжаликлари тузиб, иш олиб бори-

қарсиз аҳволда. "Камолот" жамғармасининг қишлоқ ва хўжалиқларда жамоатчилик марказлари йўқ.

**О.Худойберганиев:**

— Жамоатчилик марказлари тузасак, уларни ойлик маош билан таъминлашга менинг қурбим етмайди, -деб қолди.

Аслида Низомга биноан жамоатчилик марказлари ходимларини иш ҳақи билан "Камолот" жамғармаси туман бўлими эмас, балки улар

Яқин ўтмиш сиёсати одамларни шу қадар боқиманда, олма пиш, озгимга туш қабилда иш кўришга ўргатиб қўйган эканки, гоҳо бунинг таъсиридан ёшлар ҳам қутилолмаётганидан ўқинасиз. Бундайлар билан суҳбатлашиб қолсангиз ҳаётнинг оддийгина қийинчиликларини ҳам бозор-иқтисодиёти шароитига тўнқашдан уялишмайди.

— Тўртқўл туман ҳокимининг 1996 йил 22 май 253-сонли қаро-

кўпчиликка аён. Лекин улар туман ҳокимининг ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ҳақидаги қарорини бажармаяпти.

Тўрт қўпгина бўлимлар каби "Камолот" жамғармаси Тўртқўл бўлими ҳам муаммолар гирдобида қолиб келмоқда. Бўлим қошидаги фирмалардан тушган пуллар 6 нафар ходимнинг ойлик маошига зўр-базўр етаяпти.

— Ходимларни маош билан таъ-

рига асосан бўлимимизни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 31 та ҳомий ташкилотлар белгиланган эди. Улар бизга жами 1650000 сўмлик молиявий ёрдам кўрсатиши керак эди. Афсуски, орадан тўрт йил ўтиб боряптики, белгиланган пулнинг атиги 280000 сўми ҳисоб рақамига келиб тушди холос. "Камолот" жамғармаси туман бўлими раиси Ойбек Худойберганиев:

— Ҳомийлардан Тўртқўл тўқимачилик мажмуидан бўлак бошқа ташкилот ва хўжалиқларнинг молиявий аҳоли яхши. Давлатга боқиманда ташкилот ва муассасалар йўқ. Уларнинг ичиди "Савдогарбанк", "Тадбиркорбанк", "Пахтабанк", туман пахта тозалаш заводи... Булар бугунги кунда молиявий муаммолар гирдобиди қолган десангиз ҳеч ким ишонмайди. Чунки улар ичининг кўзини билиб, ўз иқтисодиётини ривожлантириб бораётганликлари

минлаш кундалик масалага айланган, -дейди Ойбек. -Фақат ўзимиз елиб-югурамиз, ҳеч ким амалий ёрдам кўрсатмайди.

Дарвоқе, туман ҳокимининг юқоридаги қарорига кўра ёшлар ташкилотининг ўз иқтисодиётини тиклаб олиши учун экин майдонлари ажратиб берилиши керак экан. Амалда эса бунга панжа орасидан қаралапти, деган хулосага келган эдик. Янглишибмиз. Туман ҳокимлиги "Камолот" чиларга деҳқончилик қилишлари учун истаганча ер ажратиб бермоқчи бўлишган. Лекин жамғарма туман бўлими раҳбари О.Худойберганиев бизга шахар атрофидаги ерлардан берсангиз яхши бўларди, деб турволибди.

— Берадиган ери Тўртқўл шаҳридан 70 километр олисда жойлашган, -дейди Ойбек. -Кимнинг узоққа

ишчи кучи жалб этилади. Оқибатда 15-20 нафар ёшлар иш билан таъминланади.

Биз Ойбек Худойберганиевдан туманда неча нафар ёшлар борлиги, уларнинг қанчаси ишсизлигини сўраганимизда аниқ маълумотга эга эмаслигидан дува қизариб кетди. Ва... гапни чалғитиб яна раҳбарнинг кўмак бермаётгани борасида ҳарат қила бошлади.

"Камолот" жамғармаси ёшлар билан ишловчи, уларнинг фикрини ўрганувчи ва фаол ҳаётга йўналтирувчи нодавлат ташкилот. Бугун чекка-чекка ҳудудларда яшовчи йигит ва қизлар бундай ташкилот борлигини билмаслигини яшириб ўтириш бефойда. Тўртқўл туманидаги жамоа хўжаликлари, қишлоқларда ёшлар билан ишлаш қони-

фаолият юритаётган ҳудуд раҳбарлари таъминлашлари керак-ку?!

Яширишга ҳожат йўқ. "Камолот" жамғармасининг жойлардаги бўлимлари бугун тадбиркорлик билан машғул бўлиб маънавият масалаларини унутиб қўймоқда.

Ватан, миллат келажагини ўйлайдиган одам баҳоналарни бир четга суриб, ташаббускорликни қўлга олади. "Камолот" жамғармаси Тўртқўл тумани бўлимида муаммолар кўп. Бу хусусида туман ҳокими ва унинг муовини Исо Ибодуллаев билан учрашиб, фикрларини билишни истагандик. Иложи бўлмади. Кечгача кутдик. Катта ёшуллини ҳам, унинг ўринбосарини ҳам ҳокимиятда учрата олмадик. Шу боис ёшлар ташкилоти ҳақидаги фикрларимизни газета орқали етказишни лозим кўрдик.

**П. ЭРМАТОВ**  
ўз муҳбиримиз

## Мадинанинг муваффақияти

Япониянинг Хиросима шаҳридан хушхабар келди. Бу ерда ўтказилган болалар тасвирий санъати асарлари ўн тўрттинчи халқаро танловида Ўзбекистон Бадий академияси тасвирий ва амалий санъат республика лицей-интернатининг 6-синф ўқувчиси Мадина Толипова Гран-при соҳиб бўлди. Ёш ижодкорнинг "Ёз" асари шундай юксак баҳоланди.

Хиросимадаги Тинчлик мемориал музейида ўтказилган ушбу аънавий танловда жаҳоннинг АҚШ, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Австралия сингари жами 52 мамлакатидан 7-15 ёшдаги ижодкорларнинг қарийб беш миңга асари қатнашди. Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро тадбирда иштирок этган республикамиз ўн икки вакилидан яна беш нафари - Шухрат Карим-жонов "Иссиқ нон", Юлия Каткова "Бизнинг ҳовли", Дамир Тушкенов "Қиш эрмаклари", Кристина Астахова "Автопортрет", Ойбек Исломов "Ер юзида тинчлик бўлсин" асарлари учун махсус диплом билан тақдирланди.

**Ш.Қамбарова**  
(УЗА)

# Чимилдик

"ТУРКИСТОН" газетаси иловаси. 2000 йил 15 март № 11 (68)

Бўёқдан хотиржам бди, ҳаммасига ўзим жавоб берарман. Сен фақат... ўзини кўра ол. Англа сираям билдира кўрма. Мен билан бахаслашган иш тўғрисида...

Бир пайтлар қариндошларим катта лавозимларда ишларди. Уларнинг нафи, кўмаги кўпчиликка тегиб юргани боис одамлар бизнинг сулола билан ўз муносабатини қалинлаштиришга уринарди. Туғма ногирон бўлишимга қарамай, кўлимни сўраб келувчи совчилар кети узилмасди.

Тақдир экан, Урганч алоқа тармоқларида ишлаб юрганимда хонқалик бир йигит билан топишиб турмуш курдик. Оила -



## ҚАДРИНГИЗНИ БИЛИНГ, СИНГИЛЛАР!


ри м учун ҳам кимматга тушаётганидан кўпинча ўкинаман. Агар тўрт мучам соғ бўлганида оилам дарз кетмаган, қизларим ўз отаси бағрида бекаму-кўст вояга етган бўлармиди? Тағин ношуқурчилик қиялпман дея ўзимни-ўзим койиб кўяман. Яхшиямки қизларим ақлли. "Тўрт мучангиз соғ бўлганда ҳам манфаатпараст отамиз сизнинг бошингизга шу кўйларни солган бўлар эди" дейишади. Ҳаётда ота-онанинг бойлигига учиб оила қураётган ёшлар ҳозир ҳам кўплаб учрайди. Менинг каби қийин аҳволга тушиб қолмаслиги учун сингилжонларимиз зийраклик билан йигитларни узоқ синаб турмуш курсалар, кейин азият чекиб юрмас эдилар, деб ўйлайман.

**Назира РЎЗИМОВА,**  
Урганч тумани,  
Дўрмон қишлоғи

## ШАРАН СЎЗИГА УЧИБ...

Ҳамма қизлар каби мен ҳам ўз муҳаббатимни, ўз хаёлимдаги шаҳзодани кутиб яшардим. Ва ниҳоят, кутилмаганда у кириб келди. Биз тасодифан танишиб қолдик. Такси кутиб турганимда, у машинасида олдимга келиб тўхтади. Йўл-йўлакай гаплашиб кетдик. У очикқина, ҳазилкаш ва ниҳоят, мен орзулаган йигит эди. Гап-сўзлари кишини ўзига ром этарди. Шу-шу у мени ҳар куни институтим олдида пойлар, ҳар келганда гуллар, ширинликлар совға қиларди. Мен кутган бахтимга эришдим деб ўйлаб тўғриси айтсам, еттинчи осмонда учиб юрардим. У мени бошимни батамом айлантириб, юрагимни эгаллаб олган эди. Усиз кун тугул дақиқа ҳам айри яшашимни тасаввур қилолмасдим. У буни жуда яхши биларди.

...Аммо бир куни у менга уйланганлигини ва битта қизи борлигини айтиб қолди. Унинг хийлаларини энди тушуниб етаялман. Мени батамом ўзига ром қилиб, эрмак қилиб ташлаб кетмоқчи экан. Пуч ёлгонлар кўзимни кўр қилиб, ширин сўзларга алданиб юрган эканман. Энди мен ҳеч кимга ишонмайман. Аслида, биз қизлар, йигитларнинг гапини қулоғимиз билан эмас, юрагимиз билан тинглашимиз лозим чамамда.



**САОДАТ**



Бу мактубни ёзишимга туртки бўлган асосий сабаб, иловангизнинг ўтган 5-сонида эълон қилинган "Усиз яшай олмайман" ном-

қолур, йигит севса олур" деб. Тўғри у ҳам мени бир пайтлар яхши кўрарди. Энди эса мени кечира олмаяпти. Айбим — синфдош йигитнинг кундалик дафтарини тўлдириб берганлигим. У билан

## "ТУШУН МЕНИ, АЗИЗИМ, ТУШУН"

ли бир хат бўлди. Уни ўқиб, додлаб йиғлаб юбордим. Мен ҳам бундан икки йил аввал бир йигитни севганман. Балки ҳаётда ҳозир менчалик севадиган топилмас. Х.нинг муҳаббати юрагимга чуқур ўрнашган. Уни ичимга сиғдирилмай, бутун дунёга "Мен Х.ни севаман", дея жар солгим келади. Лекин у бепарво. Шунга айтдиларда, "Қиз севса

қолур, йигит севса олур" деб. Тўғри у ҳам мени бир пайтлар яхши кўрарди. Энди эса мени кечира олмаяпти. Айбим — синфдош йигитнинг кундалик дафтарини тўлдириб берганлигим. У билан

**ДИЛАФРЎЗ,**  
Бухоро вилояти

## ЯХШИЛАРГА БЕГОНАМАН

Ёшлиқда ўйламай ҳаётга энгил қараганимдан пушаймонданман. Кечалари қилган хатоларимни ўйлаб тонг оттираман. Гулдек икки фарзандим, покиза хотинимга кўрсатган қилмишларим учун эндиликда ёлғизман. Лекин шу ҳам менга кам. Ҳа, ундан ҳам ортиқ жазога маҳкум эдим. Бахтли ҳаётимга раҳна солган, мени ҳамма нарсадан жудо қилган Гуля (ўша аёл)га лаънатлар бўлсин. Болала-

римнинг кўз ёшига, хотинимнинг илтижоларига қарамай унга уйландим. Унинг сохта муомаласига, кўз сузишларига ортиқча баҳо бериб юборган эканман. Икки йилга ҳам бормаган "бахтли" турмушимиз оқибатида юкумли касалликка дучор бўлдим. Унинг қандай аёллигини жуда кеч англагач, бор-йўғимдан айрилиб, унинг хонадонини тарк этдим. Анча даволанишимга тўғри келди. Диспансер назоратида туришимни касалхонада билдим. Эндиликда онамнинг уйида ёлғизман. Оиламга қайтишга бетим чидамайди, юзим шувут. Шунча хўрликдан кейин мени қабул қилишмаса керак.

**ДИЛШОД**

Салом "Чимилдик!" Сенга хат ёзиб, кўнглимдаги гоҳида тушунмайдиган сирлар билан ўртоқлашмоқчиман. Дунёда севги-муҳаббат борлигига ишонмай қолдим. Н. менинг энг яқин дугоналарим-


Онасиз қизни, яъни етимчани келин қилмайман, дейишибди. Бу гапни эшитган дугонам қанчалар зор-зор йиғлаганини эшитганимда ҳаётдан кўнглим совиб кетди. У шу кўйи М.нинг уйи олдидаги анҳорга ўзини

## СЕВИШИ ГУНОҲ

дан. У ҳам мен каби ўйинқароқ, шўх қиз эди. Унинг хотираси, бевафо йигит учун кўлимга қалам олдим. Кўшнимизнинг М.исмли ўғли дугонам Н.ни севарди. М.нинг ота-онаси уларнинг севгисига қарши чиқди.

ташлаб дунёдан кўз юмди. Ҳали 20 га тўлмаган, бахтли бўлиб ўйнаб кулмаган, келинлик ҳиссини, севикли қиз туйғусини туймаган Н.нинг орзулари ўзи билан сувларга оқиб кетди. Орадани кўп вақт ўтмай М. уйланди. Қийин, қийин ўлганга қийин экан. Ҳаёт севганингга, севилганингга қўймас экан, нега севишни, муҳаббатни муқаддас санаймиз? Нега севишни катталар гуноҳ деб билишадими? Нега, нега?..

**Дилбар АРАЛОВА,**  
Қашқадарё



## АСКАР ҲИТТИМ ИЛТИМОСИ

Ассалому алайкум ҳурматли "Чимилдик" таҳририяти жонкуяр ижодкорлари. Биз аскарлар сизларга миннатдорчилик билдирамыз. Чунки ҳаммамиз рўзномангизнинг доимий мухлисими. Сиз ёритаётган керакли мавзулар нафақат ёшлар, балки катталарни ҳам бефарқ қолдирмас керак. Шу сабабли "Туркистон" рўзномасини интизорлик билан кутамиз, келган захоти унинг барча мақолаларини ўқиб чиқамиз, муҳокама қиламыз. Биз аскарларга ва шахсан менга сизларнинг "Ун олти ёшли келин кундалигидан" рукни остида берган мақолангиз қаттиқ таъсир кўрсатди ва катта мунозарача айланди. Уни ўқигандан буён на кундузи, на кечаси ҳаловат бор, фақат ўша қиз, бўлажак она хаёлимга келаверади. Шунча кун бу хаёллар ўткинчидир деб ўйладим, лекин қанақадир икки бир тугён мени кўлимга қоғоз-қалам олишга мажбур қилди. Ҳурматли "Чимилдик" ижодкорлари, мени ўша қиз билан танишишимга ёрдам берсанглр.

**МУЗАФФАР**

дединг ўзини хотиржам тушунишга уриниб, билмадинг. Лекин текимга... раки-рўйи...

МЕН  
ВАУ

Толиб ХОЖИЕВ:

# "ТҮРКМАН ҚИЗГА ҮЙЛЕНИШ ОСОН ЭМАС"

— Толиб ака, ҳар бир қалбнинг ўз муҳаббати бўлади. Лекин негадир биз кўпинча ўзгалар муҳаббатига ҳавас қиламиз.

— Чунки муҳаббат илоҳий туйғу. Севиш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Агар хунук қилиб тушунтирадиган бўлсам юз фоиз одамнинг йигирма беш-ўттиз фоизигагина бундай бахт берилган. Дунёдаги энг оғир қарғиш нима, деганда, айтардим: Муҳаббатга мубтало бўл! Бу дардга қул тушдингизми, тамом, бор-йўгингиздан айриласиз.

— Баъзида муҳаббатни хор қилганлар ҳам учрайди-ку?

— Улар севгига дуч келмаган инсонлар. Соз бўлмаган соза куй яратиб бўлмаганидек гап-да. Биз ўшанда муҳаббат нелигини англаб етмаган бўламиз. Кейин тақдирдан нолиймиз, кимнидир айблаемиз. Менимча, севиш пишиб етилиши керак.

— Биринчи муҳаббатга муносабатингиз?

— Ўзи муҳаббат ёш танлайдими? Мен танийдиган бир одам бор, ёши 45 да. Лекин шу дардда ёнади. Муҳаббат изти-

роби бор-ку, у одамда биринчи, иккинчиликни тан олмайди. Изтиробини туйганга хузур бағишлайди. Бир кеча ухлამасангиз эртасига каллангизни кўта-

келинг, Ака Шарифнинг ўша муҳаббатини гапириб берай.

Ўшанда 11-синфда (мен кечки қишлоқ мактабини битқазганман) ўқирдим. Бир қизни севиб қолдим. Қишлоқ қизининг севгиси ҳам ўзидек пок бўлади. Яхши кўриш кўчада сайр этиб юриш эмас эди. Ҳар кечкурун велосипедда унинг дарвозасининг олдидадан бир ўтардим-да, келиб кетардим. Тожик қиз эди, кўзлари жуда чиройли.

Мен артистликка ўқишга кирдим. Биринчи курслигимда бош фарзанд бўлганим учун уйлантирмоқчи бўлишди. Ўша қизни олиб беринглар дедим. Унинг уйдагилари артистга бермаймиз дейишди. Шундан кейин ажралдик. 25 йилдирки бир-биримизни кўрмаймиз. Эшитишимча беш-олтита фарзандли бўлибди. Нима бўлганда ҳам бахтли бўлса бўлгани,

— Муҳаббат учун танлаётган касбингиздан воз кечишингиз мумкин эди-ку?

— Йўқ. Бу касбни шогирд

бўлиб топмагандим. Устозим Эргаш Каримов мени шогирдим дегани билан иқтидорим бўлмаса ҳеч нарса қилолмайман-ку. Менимча, баъзи пайтларда муҳаббат тоқликни ёқтираркан. Талисапедлик у қизни анча ўйлаб юрдим. Кейин Саломат исмли қиз билан танишдим. Сўнг унга атаб шеърлар битдим.

Азизам мен сенга бир умр шайдо

Толибинг ҳажрингда қилма ҳеч адо, деб.

Бир куни у билан Тошкентдан бирга қайтдик. Галаосиё туманидан эди. Онам у қизни кўрмоқчи бўлдилар. Учрашув вақтини белгиладик. Автобус бекатида 9.00дан кечки 6.00 гача кутдик, келмади. Онамни хафа қилганим учун у билан бошқа гаплашмай қўйдим.

— Севги бобида анча қийинчиликларни бошдан кечирган экансиз-да?

— Нимасини айтасиз. Худога шукр, сабримга яраша ўзи мени мукофотлади. Туркман янгангизни топдим. Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин деганлари рост экан.

Нигоранинг ҳам артистлик дипломи бор. Лекин у шу қобилиятини менга бағишлади. Мен саҳнада юрсам у оиламни тинчитди. Балки иккаламиз ҳам артист бўлам, деб оёқ тираганимизда бунчалик эл назарига тушмаган бўлармидим. Агар унвон олсам, бу хотинимники дейманда, унга топшираман.

— Кимнинг муҳаббатига қойил қоласиз?

— Аёлнинг. Ҳали айтдим, хотиним туркманистонлик. У ердан қиз олиш шунчалик қийинки: қалину, сарпо-сурғи учун бутун умр ишлаб пул топсангиз ҳам қарздан қутулмайсиз. Шу сабаб хотинимни олиб қочиб келганман. Иккита болалик бўлганимиздан кейин тўй қилдик.

Нигорага уйланишимда Тошкентда яшаш учун на уйимиз, на жойимиз бор эди. Анча пайт ижодкор ёшлар уйининг кичкина хонасида яшадик. Мана шу аёл муҳаббати-да. Боримизга ҳам шукр қилди, йўғимизга ҳам.

ЛАЙЛО суҳбатлашди



ролмайсиз. Лекин ошиқлар бир ойна уйқусиз ўтказса-да, чарчамайди. Чунки маъшукасининг хаёллари унга куч-қувват беради. Саволингиз биринчи муҳаббат ҳақида эди. Майли

ло Жевонни муаллим қилиб тайинлайди. Зебуннисо бегим забардаст шоира, етук олима, уста танбур чертувчи созанда ва моҳир хаттот бўлиб етишади.

Зебуннисо бегим олимларга, шоирларга ва санъат аҳлларига ҳомийлик кўрсатиб, уларга маош тўлаб турган. Зукко олима, хассос шоира бўлмиш гўзаллар гўзали Зебуннисо бегимга умр йўлдош бўлишни истаган кишиларнинг сон-саногии бўлмаган. Бироқ, Зебуннисо бегим уларнинг ҳеч бирини ўзига муносиб топмаган. Зеро, Зебуннисо бегимга илҳақ бўлганларнинг аксари шахзодалар, амирзодалар, бекзодалар ва йирик мулкдорлар эди. Ўз замонасининг шоирларидан ҳам Зебуннисо бегимга ёстиқдош бўлишга орзумандлар кўп бўлган.



## ИШҚ ҚУРБОНИ БЎЛГАН РОЗИЙ

Зебуннисо бегим (1048 ҳижрий йил шаввол ойи ) 1639 йил милодий, февраль ойида туғилган.

Унинг отаси Аврангзеб (1618-1707) ёшлигиданок диндорлиги билан ном чиқарган эди. Аврангзеб Куръонни ёд билар, талайгина шеърларни ёддан ўқир, ўзи ҳам шеър ёзарди. Аммо қаттиққўл, бировнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиган, қон тўкишни оддий бир зарурат деб билувчи тошбағир бир киши эди.

Зебуннисо бегим ўз замонасининг фозила аёлларидан Ҳафиза Марям Бону кўлида савод чиқарган. Отаси Зебуннисонинг шоирлик истеъдодини пайқаб, унга ўз даврининг етук олимларидан Мулло Муҳаммад Ашраф Исфохоний ва Мул-

ло Жевонни муаллим қилиб тайинлайди. Зебуннисо бегим ёшлигида Оқилхон Розий исмли шоиртабиат бир йигитга кўнғил кўяди. Оқилхон Розий ҳам Зебуннисо бегимга ишқий мисралар йўллаб турган. Шоҳ Аврангзеб ошиқ-маъшукнинг махфий учрашувларидан хабар топгач, уларни таъқиб остига олади. Кунлардан бир куни Зебуннисо бегим билан Оқилхон Розий боғда учрашиб турганларида боққа шоҳ Аврангзеб кириб келади. Дарҳол ошиқ-маъшуклар ўзларини панага оладилар. Оқилхон шохнинг ғазабидан чўчиб, беркиниш учун бирор панарок жой излайди. Иттифоқо, боғнинг бир четидаги катта зиёфатлар учун қазилган ерда ўчоққа ўрнатилган катта дош қозон мис қопқоғи билан турарди. Оқилхон ана шу қозон ичига тушиб олиб, устидан қопқоғини ёпиб

олади. Албатта, унинг бу шошилинч ҳаракати шоҳ Аврангзебнинг назаридан четда қолмайди. Шоҳ Аврангзеб қизи Зебуннисо бегимга боғдан чиқиб кетиш ҳақида амр қилгач, тўғри юриб келиб, дош қозон қопқоғи устига чиқади ва баковулни қақриб, ўчоққа олов ёқишни буюради. Ўчоққа олов ёқилгач, қозон қизийди. Қопқоқ оғзидан жизганак ҳид билан тутун чиқади-ю, аммо ҳеч қандай нидо эшитилмайди. Аврангзеб қопқоқдан тушиб, баковулга қозон қопқоғини очишни буюради. Қопқоқ очилганда қозон ичида ярим қорайган Оқилхоннинг жасади кўринади.

Оқилхон Розий Зебуннисога куйидаги ғазални ўқиган экан:

Баъдаз мурдан зи жафойи ту агар ёд қунам,  
Аз кафан даст берун орам ва фарёд қунам.

Мазмуни: Агар сенинг жафоларингни эсласам, ўлганимдан кейин ҳам кафандан қўлимни чиқариб, фарёд чекаман.

Оқилхоннинг ўлиmidан сўнг Зебуннисо қалбида янги ёр учун ўрин қолмайди. У поёнига етмаган ишқий достонини куйлаб ўтади. Зебуннисо бегим ўзи ҳақида камтарлик ила куйидаги мисраларни ёзган:

Ҳар матоеро харидора аст дар бозори хусн,  
Пир шуб Зебуннисо ўро харидоре ношуд.

Мазмуни: Ҳусн бозорида ҳар матога бор харидор, аммо Зебуннисо қариди-ю унга харидор топилмади.

"Олами Ислом"да ёзилишича, шахзодалардан бири Зебуннисо бегимнинг хусн-латофатда танҳолигини эшитиб, уни ғойибона севиб қолади. Унинг фириғида куйиб, ошиқона ғазаллар ёзиб, улардан бир мисрани Зебуннисо бегимга юборади.

Туро, эй гулбадан, бепарда дидан орзу дорам,  
Латофатҳойи хуснатро расидан орзу дорам.

Мазмуни: Эй гулбадан, сени пардасиз кўриш, хусну латофатларингга етишиш орзусидаман.

Бунга Зебуннисо бегим куйидаги жавобни ёзади:

Булбул аз гул бигузарад гар дар чаман бинад маро,  
Бутпарастии кай қунад гар ба раҳман бинад маро?

Дар суҳан пинҳон шудам монандибў дар барги гул,  
Майли дидан ҳарқи дорад, дар суҳан бинад маро.

Мазмуни: Агар булбул мени чаманда кўрса, гул баҳридан кечарди, агар бараҳман мени кўриб қолса, бутга сажда қилмасди. Гул ўз ҳидини япроқларига яширгандай, мен ҳам сўзда яширинганман, кимнинг хоҳиши мени кўрмоқ бўлса, мени сўзда кўрсин.

Бу байт Зебуннисо бегимнинг шахзодага моҳирона берган жавоби эди.

УЯТ  
БЎЛМАДИ

# ОНА СОҒЛИҒИ — БОЛА БАХТИ

Боланинг саломатлиги, унинг тўғри ривожланиши кўп жихатдан онанинг саломатлигига, яъни тўғри овқатланиши, ўз вақтида дам олиши, ухлашига боғлиқ.

Сўнгги вақтларда айрим ёш оналарнинг кўкрак сути етарли бўлмаслиги ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бунинг сабаби кўпчилик ёш эмизиклик оналарни гигиеник нуқтаи назаридан рационал овқатланиш талабларига амал қилмасликлари ва улар томонидан кун тартибига риоя қилмасликларидан.

Она организми учун зарарсиз бўлган барча овқат маҳсулотлари бола организми учун ҳам зарарсиздир. Оналар оқсил, сугдан тайёрланадиган ёғ маҳсулотлар, карбонсувлар, витаминлар ва минерал тузларга бой бўлган овқат маҳсулотларини етарли миқдорда истеъмол қилишлари фойдалидир.

Эмизиклик оналар агар танасида хасталик (яъни нохушлик) ўзгаришлар бўлмаса кўнгиллари истаганча турли хил мева шарбатлари ёки сут маҳсулотларини истеъмол қилишлари мумкин. Бу ўринда уларга янги пишган турли хил мевалар, полиз экинлари, сабзавотлар тавсия этилади.

Афсуски, айрим оналар сут ва сутли маҳсулотларга ўзларида эҳтиёж сезишмайди. Бундай ҳолларда улар тўла қувватли оқсилларга бой бўлган турли хил гўшт маҳ-

сулотларини, тухум, балиқ гўшtidан етарли истеъмол қилишлари керак.

Эмизиклик оналарнинг нон ва нон маҳсулотлари, унли таомларни, қолаверса турли хил ширинликларни камроқ ейишлари тавсия этилади.

Барча ўткир таъмли таомларни: аччиқ қалампир, сирка, қора мурч ёки ҳозирги кунларда жуда кенг истеъмол қилинаётган "махсус рецепт" билан тайёрланаётган "чим-чим"лар бу аёллар учун қатъиян ман қилинади. Шу билан бирга таркибида спирт бўлган турли хил ичимликлар ичиш ҳам таъқиқланади.

Чой билан кофе масаласига келга-

нимизда уларни меъёр чегарасида ичиш фойдалидир.

Агарда эмизиклик она соғлом ҳаёт кечирса, ўз фарзандини нормал ривожланиши учун зарур бўлган сут билан етарли таъминлайди. Бунинг учун энг муҳим талаблардан бири эмизиклик онани етарли даражада дам олишидир. Афсуски, айрим ёш оналаримиз турли сабаблар билан мана шундай қулай шароитдан тўғри фойдалана олмайдилар. Масалан, кўпгина ҳолларда айрим ёш келинларимиз туғруқхонадан келганларидан бошлаб, уй-рўзғор ишларига бутунлай киришиб кетади. Бундай иш тутиш она

соғлиги учун жуда ҳам зарардир.

Агарда эмизиклик она ҳеч қандай касаллик билан хасталаниб қолмаса, 7-ҳафтадан бошлаб енгил уй-рўзғор ишлари билан шуғулланиши мумкин.

Баъзи оналарни мана шу даврда спорт билан шуғулланиш масаласи қизиқтиради. Улар спорт билан бемалол шуғулланишлари мумкин, лекин бунда улар ўзларини ўта чарчашдан эҳтиёт қилишлари зарур.

Ҳозирги кунда киши кўнглини ранжитадиган, саломатлиги учун катта зарар келтирадиган омиллардан бири ёшларимиз ўртасида тез-тез учраб турадиган кашандаликдир. Эмизиклик оналар мана шу кашандалик касаллигига одатланишлари жуда ҳам зарарлидир, чунки тамаки тутуни таркибида мавжуд 20 дан ортиқ заҳарли моддалар биргина она организмни заҳарлабгина қолмай, кўкрак сути орқали норасида гўдакни ҳам заҳарлайди.

Эмизиклик оналар ўзларини яна бир ёмон одатдан, яъни ўринли ва ўринсиз ҳар хил дориларни истеъмол қилишдан сақланишлари лозим. Чунки она вужудига тушган ҳар қандай дорининг таъсири бир вақтнинг ўзида бола организмга ҳам таъсир қилади. Рухий тетик, кайфияти яхши она сутининг миқдори ҳам, сифати ҳам кўпгина ҳолларда етарли бўлади.

**Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,**  
**шифокор**

## ЮЗ ҲАҲУНИ КЕТКАЗИБ БЎЛАВМИ?

Гоҳо ўсмирлик ёшидаги қизлар юзига сарғимтир, кўнгил рангдаги катта-кичик доғлар тушади. Бундай доғлар турли сабабга кўра; кўпинча камқонлик ё жигар хасталиклари туфайли юзга келади. Юзга ҳадеб вазелин ёки оқартирувчи қоришмаларни суртавериш натижасида ҳам доғ пайдо бўлиши мумкин. Юздаги доғларни дорилар ва малҳамлар ёрдамида йўқотишдан аввал тери касалликлари шифокорига мурожаат этиш лозим. Айрим суртмалар эса уй шароитида тайёрланади. Битта тухум оқига бир чимдим борат кислота қўшилади ва бир қошиқ қаймоқ билан қориштирилади. Кейин уни юзга суриб,



# ҚИЗТИНА, ОРАСТЛА БЎЛ...

*Балоғат — гўзаллик, кўркемлик демак. Бу фаслга юз тутган сингилларимиз пардоз қилишлари шарт эмас. Аммо, шунинг унутмасинларки, қиз бола сочидан то тирноғигача озода бўлмоғи зарур. Токи, покизалик — орасталиқдир. Лекин, айнан шу даврда баъзи ўсмир қизларда муолажа талаб этувчи ўзгаришлар содир бўлишиям мумкин. Худди шу ҳақда сўз юрита-миз.*

бир соатдан сўнг илиқ сув билан ювилади. Ёки икки чой қошиқ ун, бир чой қошиқ сирка ва бир чой қошиқ асални яхшилаб аралаштириб, юзнинг доғ тушган қисмига текис қилиб суртилади. Ярим соатча вақт ўтгач, илиқ сувда ювиб ташланади. Бодрингни иккига бўлиб, ширасини юзга суртиш ҳам яхши натижа беради. Бу каби усулларни бир-икки ой мунтазам қўллаб турилса, доғ ўз-ўзидан йўқолади.

## СЕПКИЛ — БАЛОҒАТ НОШОНАСИ

Сепкил териси нозик қизларда кўпроқ учрайди. У баҳор, ёз фаслларида кўпайиб, қишда камаяди. Агар терини чиниктириб, эҳтиётлик билан куёш нури таъсирини ўргатиб борилса, сепкил тушмайдиган бўлиб қолади. Сепкил

баъзи қизларга ярашиб ҳам туради. Шундай бўлгач, уни йўқотиш учун ортиқча уришлар шартмикан?! Кўпинча турли кремлар суртиб, сепкилни йўқотмоқчи бўлган қизлар юзидаги ёшлик тароватини бой берадилар. Чунки, бундай кремлар юзнинг табиий рангини хиралаштиради, тери баттар нозиклашиб қолади. Демак, қизларимиз сепкилни суртма малҳамлар воситаси билан йўқотишга шошилмасликлари керак. Аксинча, икки-уч йил сабр қилишса, у бора-бора хиралашиб, буткул йўқ бўлиб кетади. Агар сепкилдан воз кечишни истасангиз, уни табиий йўллари билан хиралаштириш мумкин. Бу учун би-

рор хил сабзавот ёки мева (бодринг, олма сингари)ни қирғичдан ўтказиб куюк малҳам тайёрланг ва юзга қалин қилиб суринг. Ярим соатча вақт ўтгач, илиқ сувда чайиб ташлайсиз. Ачиган қатиқ ёки сузмадан тайёрланган малҳамдан фойдалансангиз ҳам яхши натижа беради.

## ҲУСНБУЗАР НУМА?


Хуснбузар — тугунчалар кўринишидаги тошма бўлиб, у қиз ва йигитларда балоғатга етган даврда кўзга ташланади. Чунки бу пайтда теридаги ёғ безлари фаол ишлайди, ёғ йиғилиши натижасида тери ялтираб туради, худди шу жараён-

да хуснбузар пайдо бўлади. Жигар, меъда-ичак фаолияти издан чиққанида ҳам юзга хуснбузар тошиши кузатилади. Одатда хуснбузар қишининг совуқ кунларида кўпаяди, чунки бу вақтда юз терисидаги ёғ қотиб қолиб, у ёғ безлари кавакларидан равон чиқиб кетолмайди. Ва қора нуқталарга айланади. Баъзи ёшлар ана шу қора нуқталарни ситиб ташлайдилар. Оқибатда ситилган жойга микроб тушиб, хуснбузар катталашади, баъзан унинг ўрнида оғриқли яра ҳосил бўлади. Чиндан ҳам хуснни бузиб турадиган шу яралар жуда секинлик билан битади. Шунинг учун ҳам ўсмирлар юзда хуснбузар пайдо бўлиши биланоқ бироз парҳез қилиб туришлари зарур. Ёғли таомлардан воз кечиб, бир мунча вақт қатиқ, сузма ва турли сабзавотларни хом ҳолича истеъмол этишса, хуснбузар катталашиб кетмайди, аксинча тезда йўқола боради.

## ҚОШУ КИПРИКААР ПАРВАРОШИ

Юзга кўрк бериб турадиган қош ва киприкларнинг қалин бўлиб ўсиши учун уларнинг учларига бироз канакунжот (касторка) мойи суриб қўйилса кифоя. Шунингдек, ўсма ва сурманинг қошу киприкларга фойдаси катта. Ўсмадаги танин моддаси ҳамда витаминлар қош ва киприкларни мустаҳкамлайди. Бинобарин, у фақат ранг берувчи бўёқ бўлиб қолмай, балки қошларни ва киприкларни сийраклаштириб юборадиган себорея касаллигининг олдини олади. Баъзи қизлар қошу киприкларини доим бўяб юрадилар. Бўяшнинг ҳам маълум қоидаси бор. Агар қош ва киприклар мудом суюқ бўёқда бўялаверса кўз милки яллиғланади. Умуман, қошни ё киприкларни махсус рангли қалам билан бўяганда, қаламни терига теккизмаслик керак. Шундагина қош ва қовоқлар териси хасталикларга чалинмайди.

**Г.ЖАМИЛОВА**



"...Тўйда, тўйдан кейин ҳам кўпроқ вино ва ароқ ичдик. Каттиқ маст бўлиб қолдим. Қай маҳалда тўйдан чиқиб кетганимни эслолмайман. Хушимга келганимда "Дехқонобод"

бой Эшниёзов тўйга бориб ичкилик оқибатида қаттиқ маст бўлади. Тўйхонадан чиқиб шу жамоа хўжалигининг 7-бригадасида яшовчи Шодмон Бекжоновнинг уйига бостириб қиради. Бахтга қарши хонадон бекаси уйда йўқ эди. Аммо синглиси Сафаргул Бекжоннова турмуш ўртоғи Олимбой Собиров билан меҳмонга келиб, шу ерда тунаб қолишганди. Шодмон опанинг қизи Хуршида: "Бу кўшнимиз Болтабой-ку", демаганида балки меҳ-

жароҳати етказди. Афсус, қилғиликни қилиб кўйган 24 ёшли Б.Эшниёзов эртаси милиция ходимлари уйғотганида қилган кечкурунги ишидан воқиф бўлди. Балки Шодмон опанинг хонадонига етказилган моддий зарар ҳам қопланиб кетар. Хуршида ва Сафаргулнинг жароҳатлари ҳам тузалиб, чандиғи ҳам қолмас. Жиноятчига тайинланган жазо унга сабоқ бўлар балки. Аммо аёл кишига кўл кўтарган, бировнинг уйига бостириб кириб ит-

# ШАЪНИ ХОР БЎЛМАСИН ЙИГИТНИНГ

жамоа хўжалигида жойлашган ёдгорлик ёнида тургандим. Кўлимда пичоқ ҳам бор эди." Афсуски бу йигит тўйхонадан чиқиб, ёдгорлик олдида келгунча, қаерларда бўлгани, қандай жиноятлар содир қилганию, қўлидаги пичоқ билан кимларга жароҳат етказганини эслай олмасди. ... Бу воқеа ўтган йилнинг 6 декабрида содир бўлди. 1975 йилда Боғот тумани Дехқонбозор қишлоғида туғилган Болта-

монлар мастни уйга киритмаган бўлармидилар. Аммо улар учун ярим тунда уйига кириб келган, ҳамма нарсани чил-парчин қилиб синдириб кетган бу одамнинг мақсади маъвумлигича қолди. Телефон аппарати ҳам, телевизор, магнитофон ҳам, ҳаттоки, деразаю, ошхонадаги мураббо бангалари ҳам синдириб ташланди. Буям етмагандек Болтабой ошхонадан пичоқ олиб Хуршидага ташланди. У Хуршидагаям, ҳай-ҳайлаб югирган холасига ҳам қаттиқ тан


дек қутирган йигитнинг шаъни энди эл-юрт олдида қайта тикланармикан?! Бу хунук воқеа қишлоқдошлари хотирасидан буткул унутилиб кетармикан?! Афсуски, йўқ! Чунки йигитнинг қизлар ҳавас қилса, дўстлари ибрат олса арзийдиган даражадаги гурури, ори бўлиши лозим.

**М.ХУДОЙБЕРГАНОВ,**  
**Боғот тумани**  
**ИИБ терговчиси,**  
**Муқаддам ИСМОИЛОВА,**  
**журналист**

*Кўпинча ҳаётда омади кулган, бахтли дўстларингиз ёки дугоналарингизни кўрганингизда, юрагингиз шув этиб, нега мен ундай бўла олмадим, ахир табиатимиз, феъл-атворимиз кўп жиҳатдан ўхшашку, деган фикр ҳаёлингиздан ўтган бўлиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам нега шундай? Бунинг сабабларини албатта аввало ўзимиздан кидиришимиз керак. Кўйдаги тест саволлари эса бу борада сизга ёрдам берса ажаб эмас.*

1. Бирор киши мендан ёрдам сўрагудек бўлса, илтимосини эшитиб-эшитмай "йўқ" деб жавоб бераман.
2. Ҳаётимда кўпроқ ақлимга эмас, балки қалбимга қулоқ солиб иш кўраман. Бундан мен гурурлана-

- кўринишлари, кийим-кечагига кўп эътибор беришади.
5. Айрим одамларни кўпинча ўзининг тенги бўлмаган кишилар даврасида кўраман.
6. Қизиққонлигим оқибатида баъзан кўнгилсиз вази-



# ОМАД СИЗГА ҚАЧОН КЕЛАДИ?

3. Мен пулларимни кўп фойда олишим мумкин бўлган бирорта ишга таваккал қилиб сарфлашдан кўра йилига 2 фоиз даромад берса ҳам ишончли банкда сақлаган маъқул деб ҳисоблайман.
4. Ҳаётда омади келган одамлар ўзларининг ташқи

- ятларга тушиб қоламан.
7. Ишхонамда ҳар доим кўшимча юмушларни ҳам бажаришга тўғри келишидан жоним ҳиқилдоғимга келади.
8. Ишга вақтида келиб белгиланган соатда кетиш одатимга айланган.
9. Ўзгалар сирини сақлашни биламан.
10. Агарда дўстлар давра-

- сида ҳамманинг диққат марказида бўлмасам, бундай давра менга зерикарли туюлади.
11. Қаҳвани залнинг ўртасида эмас, тинчгина бурчагида ўтириб ичишни маъқул кўраман.
12. Раҳбарим билан муносабатим келишмай қолгани учунгина ўзимга бошқа иш кидириб юрмайман.

## Натижалар:

Агарда саволларнинг 9-12 тасига салбий жавоб берган бўлсангиз, сиз ҳаётда катта муваффақиятларга эришиш, одамларга яхши муносабатда бўла олиш, умуман зўр инсон бўлиш учун барча ҳислатларга эгасиз. Жамиятнинг гули, фаҳрига айланишга зарур хусусиятларингиз ва феъл-атворингиздаги ижобий фазилатларингизни ишга солинг.

5-8 та саволга салбий жавоб берган бўлсангиз, сиз омад зинапояларидан юқорига чиқишингиз мушкул. Кўп вазиятларда сиздаги совуққонлик вазиятни тўғри баҳолай олишингизга имкон беради. Шунинг учун кўплар сиздан маслаҳат сўраб туришади. Муҳим муаммоларни ҳам осонгина ҳал эта олиш қобилиятингиз билан ҳар бир соҳада муваффақиятга эришингиз мумкин.


# 66 БАХТЛИ ОИЛА

Оила тинч-тотувлиги кўпинча ота-онанинг масъулиятига боғлиқ дейишади. Шундаймикан? Успиринлар, эндигина мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяётган келин-куёвлар бахтли оилани қандай тасаввур қилишади? Қуйидаги саволларимизга энг мазмунли жавоб йўллаган мухлислар танловимизнинг фолиби бўлиши мумкин!

1. Сиз ота бўлганингизда фарзандларингизни қандай тарбия қилардингиз?
2. Болаларингиз сиздан ҳар жиҳатдан фарқланиши зарурми?
3. Ўз зурриёдингиз ўзингизга бўйсунмади, унда... Жавобларингизни "Бахтли оила" танловига деб йўлланг.

**Салом "Туркистон" таҳририяти.**  
**Мен Қарши Давлат университетида кимё бўлимининг 2-курсда ўқийман.** Ўзимни "Туркистон"нинг ашаддий мухлисиман, десам муболаға қилмайман. Сизлар-

глай бошлайди. Бундан ташқари бола тарбиясида она муҳим роль ўйнайди. У фарзанд ва ота ўртасида ҳеч қандай нарсани сир сақламаслиги лозим. 2. Албатта фарзандларим мендан ҳар жиҳатдан фарқ



нинг "Бахтли оила" танловларингизда чин дилдан иштирок этмоқчи эдим. Мақсадим голибликни қўлга киритиш эмас, балки илтимосим ва ниятим бўлакча. Таҳририятингизга юборилаётган жавобларни "Туркистон"да чоп этсангизлар. Сабаби мен тенгқурларимнинг оила ҳақидаги тасаввурларини билишини хоҳлардим. Кўпчиликнинг фикрларини ўрганиб, ягона хулоса чиқариш албатта хато бўлмаса керак.

қилишини ва билими устун бўлишини хоҳлайман. Лекин фарзандим ўзимдан ақлли бўлишини истамайман. Оилада отанинг ўз ўрни бўлиши зарур.

1. Мен ота бўлганимда фарзандим тарбиясига алоҳида эътибор бераман. Худо хоҳласа фарзандимни (қиз ёки ўғил бўлишидан қатъий назар) 4 ёки 5 ёшидан ўқитувчи тайинлаб инглиз тили машғулотларига қатнашаман. 7 ёшга етганда расм чизишга иштиёқини ўстиришга ҳаракат қиламан. Сабаби расм чизган кишида хотира мустаҳкамлана боради. Инглиз тилини ўрганишни 10-11 ёшга етгунча давом эттирардим. Бунгача у инглиз тилини мукамал ўрганарди. Кейин эса рус, араб, немис тилларидан сабоқ олиб боришини йўлга қўяр эдим. Албатта буларни фарзандимнинг иқтидорига қараб режали равишда амалга оширишга ҳаракат қиламан. Бу билан у бошқа миллатлар маданиятини қадрлашни ўрганади. Ўзлигини ан-

3. Зурриёдим ўзимга бўйсунмаслигини ҳеч ҳам тасаввур қила олмайман. Тўғри тарбия берилса бундай ҳол бўлмаса керак. Менмча ота-она қачонки фарзандининг фикрлари билан ҳисоблашмай иш тутсагина шундай бўлади. Масалан, у турмуш қурмоқчи бўлган қиз ёки йигитга нисбатан ота-она ёмон фикр билдиради, дейлик. Шунда фарзанд ёшлиқ қилиб ота-она гапига кирмади. Бунда айб фарзандда эмас, ота-онада бўлади. Чунки у ёш, ҳаётнинг қийинчиликларини тасаввур эта олмайди. Шу пайтда ота-она унга энг яқин кўмақдош ва маслаҳатчи бўлсин. Агар қарори қатъий бўлса, фарзанд кўнглига қараб юрган маъқул. Чунки у ҳам инсон. У ҳам ҳаётда бир марта ўшайди. Унинг ҳам орзулари бўлади. Бунга эса қарши чиқиш фарзандни ота-онадан узоқлаштиради.

**Давлатбек**  
**УТЕПБЕРГАНОВ,**  
**Қашқадарё вилояти,**  
**Нишон тумани**

*Онақорини Ойдин Жаҳонгирова, акам Аҳмадбек, укаларим Ёқубжон ва Олимжонлар. Сизларни тутилган кўнларингиз ҳамда кириб келадиган Наврўз ва Нуборак Ҳайит айёми билан гин юракдан табриклайман. Сизгай-саломатлик, тинч-тотувлик оиланингизни ҳар қачон ташриқ этмасин.*

**Юнусбек АМИНОВ**

**"ЧИМИЛДИК"** "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

**ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:**  
**ДАЙЛО, ЯШНАР, ЗИЁДА, ШАХНОЗА**

**САҲИФАНОВЧИ:** БАХТИЁР

Бисмиллохир раҳмонир раҳийм!  
Қурбон айёмларида Ислон оламидаги барча мўмин-мусулмонларнинг диллари хушнуд, нигоҳлари бир-бирига монанд бўлиб, улар Яратган парвардигорнинг фазлу карамидан умидвор бўладилар. Бу улуғ айём куни республикамизнинг барча масжидларида Ийд Қурбон намози ўқилади. Албатта, бунда кўп сонли халқимиз елкама-елка туриб Аллоҳга ибодат қилишади.


Мана, тўққиз йилдики, диёримиз мусулмонлари Қурбон ҳайитини мустақиллик шароитида зўр шод-хуррамлик билан кенг нишонламоқдалар. Ватанимиз мусулмонлари Аллоҳга доимий равишда ҳамду-санолар айтадиларки, юртимиз

ибодатдир. Уни адо этишда шоҳу гадо Аллоҳ таоло ҳузурда баробар. Чунки, ташқи кўринишдан ҳам бир хил оппоқ либосда — эҳромдадурлар.

Муборак Қурбон ҳайитининг кўп ибратли томонлари бор. Бутун оламдан тўпланган мусулмонлар бирга ибодат қиладилар. Бир-бирлари билан яқиндан танишадилар. Дунё халқларига тинчлик-омонлик тилаб, хайрли дуо қилишади.

Она-Ватанимизда эса барча мўмин-мусулмонлар арафа куниданоқ Қурбон ҳайити тараддудини кўрадилар. Эрта тонгданок масжидлар сари йўл олишади. Ҳайит намози адо этилган, қодир бўлганлар қурбонлик қилиб, муҳтожларга улашади. Улуғ айём куни барча мусулмонлар бир-

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК



бирларини ҳайит байрами билан муборакбод этиб, табаррук отахон-онахонларга имон, ёшларга тавфику-ҳидоят тилашади. Қариндошуруғларни бориб кўриш, ёру-биродарларни зиёрат қилиш, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиш каби эзгу амаллар бу кун қалб эҳтиёжига айланади. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-қудратли

мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб, ҳур диёримиз халқаро миқёсда ҳақиқий ўрнини эгаллаб бораётир, халқимизнинг турмуш тарзи, эл-юрт фаровонлиги янада раванқ топмоқда. Айниқса, республикамиз раҳбарлари томонидан диний маросимларимизни камолу эҳтиром ила адо этишимиз учун лозим бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Жумладан, бу йил ҳам Ватанимиздан тўрт мингга яқин ҳожиларимиз муборак ҳаж сафарларида йўл олишди. Бутун дунё мусулмонларининг вакиллари шу кунларда муқаддас жойларда жам бўлиб: "Лаббайка аллоҳума, лабайк"ни баралла айтишмоқда. Биламизки, ҳаж сафари Ислон динидаги беш арконнинг биридир. Бу улуғ сафар жамият фаровонлиги даражасини кўрсатувчи, инсонларнинг бирлигини ифодаловчи, мусулмонларнинг Яратган парвардигорига яқдиллик билан итоат этишини таъминловчи муқаддас

таниш-билишлар ҳам худди шу муборак кунларда бир-бирларига кучоқ очадилар, ўзаро узр сўрашади. Чунки кечиримли ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Шунингдек, қабристонларга бориб, вафот бўлган яқинларини зиёрат қилиш, ёд айлаш ҳам азалий одатдир. Лекин бу улуғ айёмни мотамга айлантириш ножоиздир. Фақат қабрларни зиёрат қилишга ибрат назари билан қарамоқлик даркордир. Ҳайит байрами мусулмонларнинг шоду-хуррамлик, хурсандчилик байрами эканини унутмаслик лозим. Айниқса, ёш жажжи болакайларимизга хилма-хил ҳайитликлар улашасак, бу айём чексиз қувонч келтиради.

Аллоҳ барчамизга бундай қутлуғ айёмларни доимо ёруғ юз ва хушқайфият билан ўтказишни муяссар айласин.

**Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,  
Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси раисининг ўринбосари**

## 21 ЁШЛИ ЛЕЙТЕНАНТ

Жамшидجونнинг бемаврид ўлими каттақўрғонликларнинг ҳам кўксига битмас яра қолдирди. Маълумки, бир гуруҳ ёвуз ниятли кишилар 1999 йилнинг август-ноябрь ойларида Фаргона вилояти билан чегаралош Қирғизистон тоғларида жойлашиб олиб, давлатимиз тинчлигига раҳна солмақчи бўдилар. Мана шу чегарада ўз офицерлик вазифасини ўтаётган Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва чегара назорати бўлинмаси офицери Жамшид Расулов қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Жамшидجون Расулов ҳаёт бўлганида ҳозир 22 баҳорни қаршиларди. Афсуски бемаврид ўлим... Зиёдулла ота ва Дилором аянинг илк фарзандларидан айирди.

Жамшидجون ўрта мактабни тугатгунича гоҳ гўзалликни ўз асарларида акс эттирадиган рассом, гоҳ баланд-баланд иморатлар қурадиган муҳандис бўлишни орзу қиларди. Лекин йигитлик шижоати ила ўз юртига фидойи, Ватанига содиқ ҳимоячи бўлишга аҳд қилди. 1995 йил Самарқанд олий ҳарбий автомобилчи-муҳандислар тайёрлаш билим юртига ўқишга кирди.

Ҳарбий билим юртида чуқур билими, интизоми ва талабчанлиги билан ҳурмат қозонган Жамшид 1999 йилда мазкур ҳарбий ўқув даргоҳини лейтенант унвонига битирди. Мард, жасур йигитни хизматини ўташи учун чегара кўшинлари таркибига жўнатишди. Уни хизматга жўнатиш учун маҳалладошлари "Сармозор" гузаридан тўпланишди. Афсуски бу унинг яқинлари, маҳалладошларини энг сўнгги бор кўриб туриши эди...

Ҳовли дарвозасидан чиқар экан отаси ва онасининг кўз ёшларини оҳиста артиб: "Онажон, отажон, кўз ёши қилманглар. Мен ахир урушга эмас, Ватан сарҳадларини қўриқлаш-



га кетаяпман. Мана кўрасизлар, бағрингизга эсон-омон қайтиб келаман, тез-тез хат ёзиб тураман. Мендан ҳавотир олманглар", - деган эди.

1999 йилнинг 7 сентябрь куни қуролдош дўстлари ҳамда ҳамкасблари лейтенант Жамшидجون Расуловни 21 ёшида Каттақўрғондаги Эшон мазор қабристонидан мангу маконига қўйишди.

**Каримжон СОАТОВ,  
Каттақўрғон тумани**

Ҳаёт ҳақида ёзиш қанчалик қувончли бўлса, ўлим ҳақида ҳам нимадир қоралаш шунчалик қийин кечаркан. Маликанинги ўлими Жумабой ака ва Турсунои опаларнинг бир умрлик оқ сочи-ю, юракдаги доғига айланди. 20 ёшида гулдай яшаб гунчадай сўнгган Малика Бонунинг дарди фақат шеър эмас эди. У кўлидан келганча Аллоҳ берган иқтидорни яхшиликларга сарфлагиси, ўзбек деган номни дунёга танитгиси келарди.

Бир неча тилларни билган Малика Бону Салимова чет эллик меҳмонлар учун энг самимий, латофатли таржимон эди. Унинг майин овозларидан ўзбекча калом қандай янграсса, инглиз, рус, араб, турк, француз тилларида ҳам шундай эди.

Малика бу дунёдан ўзган, бу дунёнинг қизи эмас эди. Унинг тенгдошлари орзу қила олмаган чўққиларни у аллақачон эгаллаб бўлганди.

Малика эртақдаги маликаларга ўхшарди. Ундан шундай хотира қолди...



## ДОСТПОНЛАРДА ҚОЛТАН МАЛИКА

СЕҲ ЁҲИМ-  
ДА ЎЎҚСАҲ

Осмон ёришади яна тонготар,

Чағалайлар учар денгизда шўхчан.

Тишларман лабларимни, қонасин баттар,

Бу на кўргилиқдир ёнимда йўқсан!

Юрагимда гусса, руҳни эзар дард,

Сенсиз ёруғ олам менга зулумот.

Бўлсам дерман сен-ла бир умр фақат,

Афсус сен ёнимда эмассан ҳайҳот.

Суратингни қўлга оламан жоним,

Тушида сайёдини кўргандай оху.

Мен сени пок туйғу-ла севарман ёниб,

Бироқ сен ёнимда йўқсан-да ёху.

Кўз ёш дарёсида хотирлаб сени,

Минг йил кўз тутарман йўлингга гирён.

Аёзлар, гармселлар енголмас мени

Ҳолбуки, сен ёнимда эмассан ҳамон.

Ёруғ юлдузларга бўлиб маҳлиё,

Ҳали кўп самоларга тикилмоғим бор.

Бахтиёр кўзларимни юмарман сўнг бор,

Қачон сен ёнгинамда турсанг устивор!

ПАРВАРДИТОР  
ИЛА ҲОЗМА-ҲОЗ

Ҳаётим йўлларида қоладир излар.

Талпинган ишонч ила кўкка орзулар,

Лек унут,

Шу ҳолда Яратганга этдим муножот:

"Бер наҳот қодир Эгам,

Тақдир буржин аста йўқотдим.

Учсайдим, вали жисмим тўладир, хайҳот,

Ғамли кун эшитмайсан наҳотки додим

"Хуррам дом ҳабибимсен".

Янградни жавоб саси: "Сен кўз очган он,

Йўлладим орзунгни-да бир жаҳон равшан.  
Зингил сол, изим бордир сен-ла ёнма-ён,  
Тақдиринг ҳал қилгандан жуда хурсандман.  
Мана кўр, қисматингни оларман ўзга,  
Сев, севил, бахтингни топ, интилгин ўзга".

ОҲАЖОҲ

Онажон... на-да хуш бу каломни  
тилга олмоқлик.

Онажон... Сизга бўлган севгим  
адоқсиз.

Зеро сиз бу ҳаётни этдингиз тўхфа,  
Ва унда порлаб турган йўлчи

чироқсиз.  
Бердингиз ёмон билан яхшини

фарқлаб,  
Ташаккур, сабоқлар-ла умрим

бардавом.  
Сизсиз бу умрнинг қадри

йўқ менга,  
Сиз учун бор ҳаётим этарман инъом!

Нега керилади бунчалик одам,  
Асли даҳри дунга нега келади?  
Чақмоқ ёруғидек ҳаёти бирдам,  
Ожиз туғилгандир, ожиз ўлади.  
Истарки, жонин олар бўғзидан Оллоҳ,  
Яна тирилтирар хоҳиши, нечун?  
Севинч малагига дўсти-ёр минг оҳ,  
Аршда сақланади одамзот учун.  
Нечун, бунча неъмат-нон, зайтун, хурмо,  
Олиймақом кенту тепа-ўнгирлар.  
Ҳадсиз амалига чексиз салламно,  
Қолгани, нечун мубҳам, қолгани сирлар?  
Муқаррар лаҳза бордир олдинда аммо,  
Исрофил сур чаларкан, титрайди замин.

**Малика Бону нима учундир фақат  
инглиз тилида ижод қилган. Сиз  
ўқисан шеърлар шу тилдан таржима  
қилинган.**

## УЗА ТОКИО.

Японияда ишга жойлашиш тобора қийинлашиб бораётир. Маълумотларга кўра, бу йил мамлакат олий ўқув юртлири, коллеж ва мактабларнинг 165 минг нафар битирувчиси ишга киролмаган. Ўқишни тамомлаган ёшлар учун иш топиш катта муаммага айланмоқда. Шу боис талабалар ҳали кўлга диплом олмасданок эртанги кун ҳақида қайғуришга, аввалдан иш қидиришга мажбур бўлаётир.

**ПЕКИН.** Хитойда жорий йил бошидан буён 400 марта овқатдан захарланиш ҳолати кузатирилган. Маълум бўлишича, захарланишга сабаб бўлган озиқ-овқат таркибидеги кимёвий моддалар аниқланган. Оддий ош тузига қўшилган нитрит моддаси ҳам анча зарарли экан.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатда ўтган йили 5 минг киши овқатдан захарланган. Шулардан 103 нафари ҳаётдан кўз юмган.

**КОХИРА.** Хайит байрами муносабати билан Мисрда 300 нафар маҳбус озод этилди. Улар илгари мутаассиб гуруҳларга аъзо бўлган, ҳукуматга қарши фаолият юритган ва ҳарбий трибунал томонидан қамқоқ жазосига маҳкум этилганди. Хабарларга қараганда, мамлакат ички ишлар вазирлиги Халиф ал-Одиллий жами мингга яқин маҳбусни озод этиш тўғрисида қарор чиқарган.

**БАҒДОД.** 27 март кун Ироқда парламент сайлови бўлиб ўтади. Унда 10 миллион ироқлик иштирок этиши кутилмоқда. 250 та депутатлик ўрни учун қарийб 600 нафар номзод курашади.

Мамлакат шимолидаги учта туманда - Дахук, Эрбиле ва Сулаймонияда сайлов ўтказилмайдиган. Хабарларга қараганда, 4 миллион аҳоли яшайдиган бу округдан депутатларни президент Садам Хусайннинг ўзи тайинлайди.

**ВАШИНГТОН.** Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Аргентинага 7,2 миллиард АҚШ доллари миқдорига уч йил муддатга қарз берди. Маблағ

## БРЮССЕЛДА ЖОСУС БОРМИ?

Шу кунларда НАТОнинг Брюсселдаги бош қароргоҳида катта можаро юзага чиқиши мумкин. АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари разведка хизматининг ходимларидан бири у ерда Югославия ҳукуматида хайрихоҳ жосус борлиги тахмин қилинаётганини айтди. У Косоводаги операция чоғида НАТО самолётларининг қачон, қаерни бомбардимон қилиши ҳақидаги маълумотларни мунтазам равишда Белградга етказиб турган.

Косоводаги операциянинг дастлабки икки ҳафтаси давомида НАТО учувчилари белгиланган нишонни аниқ уришга ўша пайтлари ёмон келган об-ҳаво ҳалал бераётганини айтган эди. Лекин ҳамма нарсани ҳам об-ҳаво ҳал қилмаган экан. Икки ҳафтадан кейин ҳам бомбардимоннинг самараси кутилганидек бўлаверма-

газабга тушган. Улар Европа давлатлари ўз қуролли кучларига эга бўлишга, ҳарбий соҳада АҚШга кўп ҳам суянавермасликка интилаётганидан норози эди. Энди эса европалик ҳамкорлар сафида хоинлар ҳам борлиги ҳақида гап-сўз пайдо бўляпти.

Европада ҳам НАТО сафида Югославия фойдасига ишлаган жосус бўлишига шубҳа қилмаётганлар бор. Масалан, разведка соҳасида яхшигина мутахассис ҳисобланган англиялик Найжел Уэст жосуслик ҳақидаги гаплар асоссиз бўлмаса керак, деб фикр билдирди.

Америкаликлар ўз текшируви давомида Белград томони бомбардимонлар ҳақида НАТОдаги жосус ёрдамида вақтида хабар олиб турган, деган хулосага кел-



ди. Бу эса серблар НАТО олган нишонни аввалдан билгани ва зарарни имкон қадар камайтиришга уринганидан далолат беради. Лекин НАТО авиациясининг ҳужум режалари қаттиқ сир тутилар эди. Демак, шундай хулосага келиш мумкинки, альянснинг ўзида Югославия президенти С.Милошевичга хайрихоҳ одам, аниқроғи, жосус бўлган ва у бarchа маълумотларни вақтида етказиб турган. Америкалик разведкачилар шундай фикрда.

Хабарларга қараганда, "Би-Би-Си" телекомпанияси шу мавзуга бағишлаб махсус кўрсатув тайёрлаган. Тугаётган ҳафта сўнггида намойиш этилиши мўлжалланаётган бу кўрсатувда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари разведка хизматининг ички текширувлари натижаларидан парчалар келтирилади. "Би-Би-Си" маълумотига кўра, ҳатто НАТОнинг Европадаги бирлашган қуролли кучлари олий қўмондони генерал Уэсли Кларк ҳам альянс сафида жосус ишлаётганига қатъий ишонган. Унинг буйруғи билан, мутлақо махфий маълумотлар жойланган компьютер тизимидан фойдаланувчилар сони 600 тадан 100 гагача қисқартирилган, Белградга ахборот оқими тўхтаган экан.

Лекин НАТОнинг бош қароргоҳида бу гаплар тўла рад этиляпти. Альянс матбуот котибияти Косоводаги операция чоғида ахборот хавфсизлиги чоралари юксак даражада кучайтирилгани, зарур маълумотларнинг "оддий одамлар" қўлига тушиб қолиш эҳтимоли бўлмаганини таъкидламоқда. Аммо бу билан жосуслик ҳақидаги гаплар тўхтайдиганга ўхшамайди. Негаки, АҚШда, айниқса, мамлакат конгрессида кўпчилик

ди, мен бу нуқтаи назарни қабул қилишга мойиллик ҳис қилмаман, деди Н.Уэст. Унинг айтишича, мазкур хулосанинг НАТО бош қароргоҳи томонидан инкор этилиши ҳам ўзига хос сабабларга эга. Биринчидан, одатда бундай ҳолларда, агар текширув бошланган бўлса, у тугамагунга қадар ҳамма гап рад этилади. Иккинчидан, ўз сафида жосус мавжудлигини тан олиш НАТОнинг обрўйига катта пугур етказилади.

Масаланинг яна бир нозик томони шундаки, дейди Н.Уэст, дунёда бирор ташкилот йўқки, ўзини жосусликдан тўла қафолатлай олсин. НАТОдек катта, кўп миллатли тузилма ичда эса, албатта, Югославияга хайрихоҳ бирор одам топилиши мумкин. Югославия разведкаси ўз кучи билан НАТО бош қароргоҳига жосус кирита олмаслиги аниқ. Аммо кимдир ўз ташаббуси билан, эҳтимол сербларга раҳми келганидан, Югославия томонига ўз хизматини тавсия этган бўлиши мумкин. Назарий жиҳатдан қаралганда, бундай хавф ҳаммаша ҳар ерда бўлади. Шу боис мутлақо махфий ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини узлуксиз мустаҳкамлаб, назорат этиб бориш керак.

Мутахассиснинг мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, вазият ҳали тўла ойдинлашмаган. Бунинг учун анчагина вақт керак. Лекин, воқеа ривож қандай тус олиши ва можаро қандай яқун топшидан қатъий назар, жаҳон оммавий ахборот воситалари уни тезда катта шов-шувга айлантириб юбориши тайин.

**Анвар БОБОЕВ,**  
Ўза шарҳловчиси

мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга сарфланади.

**ВАРШАВА.** Польша хорижий сармоя ишлари бўйича давлат бошқармаси маълумотига кўра, 1999 йилда мамлакатга 8,3 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий сармоя жалб қилинди. Жорий йилда бу кўрсаткични 10-12 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Польшада бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни 90-йиллар бошида бошланган. Ўша вақтдан буён мамлакатга киритилган жами хорижий сармоя ҳажми 38,9 миллиард долларга етди.

Польша иқтисодиётига сармоя киритаётган мамлакатлар орасида Германия етакчи ўринда туради. Ўтган йили немис ишбилармонлари Польшага киритган сармоя 6,1 миллиард долларга етди. Бу кўрсаткич жами хорижий сармоянинг 17,3 фоизини ташкил этади.

**ОЛМАОТА.** Қозғистон пойтахти Остонада мамлакат Бош вазир Қосимжумарт Тўқаев украиналик ҳамкасби Виктор Юшенко билан учрашди. Мулоқот чоғида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва мудофаа мажмуи соҳаларида икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

В.Юшенконинг икки кунлик ташрифи сўнггида ёқилги энергетика соҳасида икки томонлама ҳамкорликка қаратилган қўшма протокол имзоланди. Хужжатга кўра, жорий йилда Қозғистон томони Украинага 1,24 миллион тонна нефть етказиб беради.

**КИНШАСА.** Белгия ташқи ишлар вазир Луи Мишел Африка бўйлаб олти кунлик сафарини Конго Демократик Республикасининг пойтахти Киншасада бошлади. У мамлакат президенти Лоран Дезире Кабила ва бошқа расмий кишилар билан учрашувлар ўтказди. Учрашувларда Белгия томонининг КДР иқтисодиётини тиклашга ёрдам бериши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Киншадан кейин Л.Мишел Ангола, Зимбабве ва Руандада ҳам бўлади.

## ХИТОЙЛАР ЭНГ НОВЧА ВА СЕМИЗ

Яқинда Хитой оммавий ахборот воситалари мамлакатдаги энг семиз ва новча одамлар ҳақидаги маълумотни ёритди. Денг Жуян исмли болакай дунёдаги энг семиз гўдак экан. Унинг оғирлиги олти ойлигида уч яшар бола вазнига тенг бўлган. Бола улғая боргани сари янада семира бошлади. У юз килограммдан оғирлашганда шифокорлар болани 60 килограммгача оздиришди.

Ўттиз ёшли Джон Дзанкайннинг бўйи 2 метр 36 сантиметр. Бир вақтлар у баскетболчи бўлишни орзу қилган. Бу йигит Пекин баскетбол жамоасида ўйнаганида ҳеч ким унга бас келолмаган. Кейинчалик хасталикка чалиниб, спортдан кетди.

Джонг мактабда ўқиб юрганида оддий болалар каби; яъни ўн олти ёшида бўйи 1 метр 80 сантиметр бўлган. Ўн саккиз ёшида эса тўсатдан бўйи чўзилиб, 2 метр 10 сантиметрга етди. Ҳозирда бу Джонг сайёрамидаги энг новча одам ҳисобланади.

## ЎЛМАГАН ҚИЗ ЁҚИЛДИ

Дехлида ўн тўққиз яшарлик қиз йўқолиб қолди. Орадан бир қанча вақт ўтиб, унинг жасади топилди. Ота-она қизининг мурдасини таниди. Урф-одатга кўра, ўликни гулханда ёқишган эди.

Яқинда эса ўлган деб ҳисобланган қиз маҳаллий туман судига эри билан кириб келди. Қиз йўқолгани ҳақидаги хабар

полицияга маълум қилинганидан сўнг бир ой вақт ўтгач, ташландик жойдан юзлари таниб бўлмас даражада мажақлаб ташланган аёл кишининг мурдаси топилди. Боласини қидириб адои тамом бўлиб юрган ота-она шу жасад қизиники деб ўйлашган.

Қиз эса ота-онаси севган йигитига турмушга чиқишига розилик бермагани учун севгилисининг уйига қочиб кетган эди. Қиз ота-онасининг розилигисиз суйгани билан никоҳдан ўтади. Қувв хотинини олиб қайнона-қайнонасиникига кириб келса, улар қизига аза очиб ўтиришган экан.

## ЎҒРИЛАРГА БУРЖ ҲАМ ФОЙДА

Ўлдулар оламида қизикувчи уруғвайлик полициячи Карлос Марана автомобилларнинг ўғирланиши олдулар буржи билан боғлиқлигини аниқлади. У машина ўғирланишига оид 8 минг жиноят ишлари ўрганиб чиқиб, Ҳамал ва Сарв буржиде туюлганлар кўпроқ уловини ўғирлатар экан, деган фикрга келди.

— Сарвнинг боши доимо янги фикр-ўйлар, режалар билан банд бўлгани учун кўпинча қалитни машина ўт олдиришида қодиради ёки уловини гаражага қиритмай кўчада ташлаб кетади, дейди полициячи-астролог. — Ҳамал буржиде туюлганлар эса ҳар қандай майда-чўдага эътибор билан қарашса-да, аксинча ўз машинасининг хавфсизлигига аҳамият бермайди.

Марананинг хулосасига кўра, Асад ва Ақрабларнинг машинасини кимроқ ўғирлашади. Чунки Асад қийналиб пул жамғарган, олган буюминини асрагани ҳам билади. Ақраблар эса машинасини сақлаш учун турли қулфларни ўйлаб топиб, ҳар ун минутда уни ўғирлаб кетишмадиликни, дея текшириб туради.

Хўп буржиде туюлганлар ҳам машина сақлашни билади. Полициячи хўдди шу буржда туюлган бўлиб, ҳаётда икки мартагина уловини ўғирлатган экан.

## Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир  
Гулнора ХОЛБЕКОВА



## Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-59-38  
Хатлар бўлими — 133-79-69



## Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй  
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назаридан фарқланиши мумкин.